

«APEX INSURANCE» АЖ акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«APEX INSURANCE» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 27 июнь куни, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 154А - уйда жойлашган Жамият бош офиси биносида бўлиб ўтади.

Йиғилиш соат 10:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9:00 дан бошланади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2022 йил 21 июнь ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг электрон почтаси ва веб-сайти манзили: info@apexinsurance.uz; apexinsurance.uz.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. «APEX INSURANCE» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;**
- 2. «APEX INSURANCE» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;**
- 3. «APEX INSURANCE» АЖ чиқарилган акцияларини жойлаштириш натижаларини кўриб чиқиш;**
- 4. «APEX INSURANCE» АЖнинг шаклланган устав фонди миқдорини тасдиқлаш;**
- 5. «APEX INSURANCE» АЖ устав фондини кўпайтириш мақсадида чиқарилган қўшимча акцияларининг жойлаштирилиши билан боғлиқ «APEX INSURANCE» АЖ Уставига ўзгартиришлар киритиш ва янги таҳрирдаги «APEX INSURANCE» АЖ Уставини тасдиқлаш;**
- 6. «APEX INSURANCE» АЖ янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.**

➤ Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

➤ Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш бўйича қўшимча ахборот ва унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 154А - уйда манзилида жойлашган жамиятнинг бош офиси биносига мурожаат қилиш орқали танишишлари мумкин.

Кузатов кенгаши